

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2014 йил 17 октябрь • № 41 (1010)

МИЛЛАТНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ ВА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Она тили – бу миллатнинг руҳидир. “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилиниши тилимиз мавқеини ошириш, унинг янада бойиши ва такомиллашувига хизмат қилмоқда. Зеро, Юртбошимиз “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарига таъкидлаганидек, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади”.

Бу йил Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганига 25 йил тўлди.

Эътироф этиш жоизки, дунёда уч мингдан зиёд тил мавжуд бўлиб, шундан атиги 200 дан ортиги давлат тили мақомини олган, холос. Улар қаторида ўзбек тилининг борлиги эса ҳар биримизни ғурурлантиради. Юртимиз тарихида “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг қабул қилиниши мустақиллик йилларида қўйилган дастлабки қадам бўлди, десак хато бўлмайди. Албатта, она тилимизнинг бундай мақомга эришиши катта ижтимоий воқелик ҳисобланади. Чунки, унга қадар ўзбек тили шунчаки маҳаллий тил даражасида тор доирада қўлланилган. Қонун қабул қилинган, унинг ҳаётда тутган йрни кучайди, ҳуқуқий асослари қонунан белгилаб қўйилди. Мазкур қонун уч принципа: умумийлик, мажбурийлик ва ҳуқуқий кафолатга асосланади. Шу маънода ҳар бир Ўзбекистон фуқароси давлат тилида сўзлай олиши ва уни ҳурмат қилишга мажбурлиги белгилаб қўйилди. Иш юритиш ҳужжатлари, таълим-тарбия жараёни ўзбек тилига асосланган ҳолда олиб борилган бўлган. Кўча номлари, хиёбон ва географик объектларнинг номлари ўзбекчаланштирилди. Айниқса, тилимизнинг луғат таркиби йилдан-йилга янги сўз ва атамалар билан бойиб бораётти. Эътиборлиси, айрим сўз ва атамалар бошқа халқлар тилида ҳам ўзбекча янграмоқда. Албатта, илм-фан тараққиёти, жамият ривожига тилда ҳам ўз аксини топади. Ма-

салан, кейинги пайтларда ахборот ва компьютер технологияларининг кундалик турмушимиздан кенг ўрин олиши муносабати билан ўзбек тилшунослигида янги имкониятлар юзага келмоқда. Ҳатто компьютер дастурларини ўзбекчаланштириш борасида ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бугунги кунга келиб ўзбек тилининг мавқеи, қўлланиш доираси, нуфузи тамомилга ўзгарди. У ўзининг барча имкониятларини кўрсатмоқда. Унинг лексик бойлигини кўрсатиш ва бошқа томонларини очиб бериш борасида кўпдан-кўп илмий ишлар қилинмоқда. Шулардан биттаси, ўзбек тили изоҳли луғатининг яратилишидир. Аслида ҳар бир тилнинг ривожланиши унинг лексикасига боғлиқ. Мустақилликка эришилгандан кейин, янги ижтимоий муносабатлар, умуман, барча жабҳадаги ўзгаришлар тилга ҳам катта таъсир ўтказди. Буларни кўрсатиш, тадқиқ қилиш тилшунослар олдига турган катта вазифа эди. Шунинг учун ҳам Қонун ижросини таъминлаш борасида дастур қабул қилинган ва шу дастурда ўзбек тилининг изоҳли луғатини яратиш вазифаси қўйилган. Бу вазифа Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти олимлари томонидан муносиб равишда бажарилди. Ана шу изоҳли луғатнинг яратилиши давлат тили ҳақидаги қонун ижроси жуда жиддий тарзда бажарилаётганини кўрсатиб беради. Кейинчалик иш юритиш бўйича жуда кўплаб ки-



тоблар яратилди. Дарслик ва қўлланмалар ёзилди. Таълим муассасаларида давлат тили бўйича иш юритишга йўналтирилган дарслар ташкил этилди. Бу ишлар натижасида ўзбек тилида иш юритишнинг муайян босқичи яратилди, десак муболаға бўлмайди.

Тилнинг эгаси – халқ. Унинг ўз тартиб-қоидалари, қатъий қонуниятлари борки, уни ҳеч ким буза олмайди. Тил ва тил бойлиги ҳақида ўз фикрига эга бўлиш, унинг тақдири ва келажиги ҳақида, ривожланиши масалаларида ғамхўрлик қилиш кишининг касбига боғлиқ эмас. Ҳар бир кишида етарлича миллий гурур шакллансагина ўз халқининг маданий-маънавий савияси, дунёқарши ва тақдирига бефарқ бўлолмайди. Демак, давлат тили том маънода шу миллат руҳининг инъикосидир. Тил ва тил бойлиги инсонлар орасида мулоқот воситасигина бўлиб қолмасдан, балки шу

миллатнинг тараққиёт белгисидир. Миллат руҳи мазкур даврдаги тараққиёт савиясига мос равишда маданий-маънавий бойликлар яратади. Тилдаги но-зик туйғулар, оҳанглар унинг истикомат қилаётган жойига ҳам бевосита боғлиқ. Тиллар ва маданиятларнинг ўзаро бир-бири билан аралашuvi ва таъсирини инobatта олганда, унинг таркиби бошқа миллатларнинг маданий-маънавий ютуқлари ҳисоби-га ҳам бойиб боради. Аммо шунга қарамай, айрим ташкилотларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва меъёрларига риоя этилмасдан, эътиборсизлик оқибатида баъзи хатоликларга йўл қўйилаётгани кишини ранжитади. Айрим идора ва ташкилотларнинг блан-

калари ва муҳрларини тайёрлашда имло хатолари ва палапартлиқларга йўл қўйилаётгани кузатилмоқда. Айниқса, лотин алифбосидаги битикларда кўплаб хатолар учрайдикки, баъзан кўчалардаги ном кўрсаткичлари, панно ва баннерларда нима ёзилганини тушуниш қийин. Донишманд отабоболаримиз азалдан нутқ маданиятига катта эътибор беришган. Улар қолдирган асарлари ни ўқир эканмиз, ҳар бир сўзнинг ўз ўрнида қўлланганлигига гувоҳ бўламиз. Сўзга нисбатан масъулият ҳиссини доимо билиб яшашимиз керак. Шундай экан, она тилимизни асраб-авайлаш, уни эъзозлаш ҳар биримизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди.

Бинобарин, миллатимизнинг бебаҳо бойлиги, ҳурлигимиз тимсолларидан бири бўлган давлат тилини бузиб қўллашга, тилимиздаги иборалар маъносини англамасдан, уларни кўр-кўрона ишлатишга ҳаққимиз йўқлигини доимо ёдда тутиш зарур.

Намоз ТОЛИПОВ.

Ушбу сонда



ШИЖОАТ, ТАШАББУСКОРЛИК ВА ҲАЛОЛЛИК

бунёдкор халқимизнинг эзгу ишларида ўз ифодасини топмоқда
Зарифа опанинг ишбилармонлиги сабаб, ноёб рақамли рентген аппарати бинонинг том қисми ёпилмай туриб, хона ичига туширилди. Демак, давлат маблағи исроф бўлишига йўл қўйилмади. Ана шундай ўз ишининг билимдони, кўп йиллик тажрибага эга бўлган, жамиятга фойдам тегсин, дейдиган Зарифа опадек инсонлар билан суҳбатлашган сайин суҳбатлашгинг келаверар экан.

Қонун ва ижро

«ТИЛИМИЗНИНГ ОҲАНГ ВА ЖОЗИБАСИ БОР»

1-республика клиник шифохонасида бўлган киши ана шу ҳақиқатни юракдан ҳис қилади

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг илк йиллариданоқ маънавиятимизни юксалтириш, миллий қадриятимизни асраб-авайлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Собик тузум давридаёқ Юртбошимиз ташаббуси билан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши катта тарихий воқеа бўлган эди. Бу йил Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганлигига 25 йил тўлди.

“От кучи узок йўлда билинар, соғлиқ қадр ҳар қадамда билинар”. “Хар дардга бўлмас ҳам даво парҳез, баъзан даво бўлар касал бўлган кез”. “Дард ботмонлаб келади, мисқоллаб кетади”. “Тўқ қорнига овқат ейдиган одам тиши билан ўзига ўзи гўр қазийди”.

Нақадар маъноли ва ҳаётимиз мақоллар, шундай эмасми? Ўқиганда ёки эшитганда, ҳар бир киши беихтиёр ҳаёлга толади ва мулоҳазага берилади. Ўзбек тилининг оҳанги, жозибаси ва маъносини бошқа мақол ва нақллар ҳам бундан кўра чуқурроқ ифодаб бериши мумкин. Пойтахтимизда жойлашган 1-республика клиник шифохонасини айланганда чиққан киши юқоридаги мақоллардан жуда кўпини кўради ва ўқий туриб, ўз она тилимизда эшитмаган ёки ўқимаган маънолар ҳазинасига дуч келгандек бўлади. Бинобарин, шифохона жамоасида ўз она тилимизга бўлган ҳурмат-этибор, эҳтиром бошқа давлош муассасаларига ибрат бўларли даражада эканлигига бу ерда бўлган киши юз карра амин бўлади.

Шифохонада 1989 йилнинг 21 октябрида кучга кирган “Давлат тили ҳақида”ги Қонун ижросини таъминлаш, кишилар ўртасида ўзаро мулоқот маданиятини шакллантириш доимий вазифага айланган бўлиб, бунга раҳбарият томонидан жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу ҳақда қабул бўлими мудири **Олимжон Исҳоқов** шундай дейди:

– Агар жамоада ҳар томонлама барқарор муҳит яратилган бўлса, барча масалалар ўз вақтида, муаммосиз ҳал қилинади. Хар куни ўз қадрдон иш жойига шошиб келадиган ҳамкасбларимиз илк бор учрашганда “Ассалому алайкум” деган ҳушқалом билан бир-бирига юзланиши уларнинг кечга қадар аъло кайфиятда юришини таъминлайди, десам асло муволафа бўлмайди. Салом бериш кишилар ўртасидаги илиқликни мустаҳкамлайди, хайрлашув кейинги дийдорлашув учун ваъдага ўхшайди. Хар куни ўз она тилимиз воситасида бир-биримиз билан саломлашиш, ниманидир сўраш, ўрганишга имкон яратилади. 1 та асосий бўлимдан ташқари, 12 та қўшимча бўлим ташкил қилинган шифохонамизда 112 нафар шифокор, 600 нафар ҳамширалар меҳнат қилаётган бўлса, улар ҳар куни бир-бири билан ўзбек тилида гаплашади. Ўз фикр-мулоҳазаларини ҳамкасбига, суҳбатдошига ифода қилаётган шифокорлар ўртасида деонтология талабларига тўлиқ риоя қилинмоқда. Кенг доирадаги мажлис ва кам сонли одам иштирок этадиган йиғилишлар ўзбек тилида ўтказилади. Баъзан халқаро доирадаги конференция ўтказилганда бўлса, рус ва инглиз тиллари қулай туюлади. Барча бўлимларда юритилидиган ҳужжатлар

ўзбек тилида тўлдирилади ва расмийлаштирилади. “Давлат тили ҳақида”ги Қонун кучга киргандан бери кўп йиллар ўтди. Шифохонамизда дастлабки, аниқроғи 1990 йилдан бошлаб даволаш жараёни тўлиқ давлат тилига ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Қайси бўлим, қайси шифокор фаолияти билан танишманг, она тилимизда чиройли қилиб тайёрланган стенд ва ёзувларга кўзингиз тушади.

Шифохонанинг колопроктология бўлими яқин йиллар ичида таъмирдан чиқарилган бўлиб, бу ерда ичак касалликларини консерватив ва операция усулида даволаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бўлим негизда колопроктология илмий марказининг ташкил этилиши бу борада тадқиқот олиб бораётган шифокорлар учун ҳам айна мудири бўлди.

Бўлим хоналари, палаталар, коридордаги ёзувларнинг барчаси лотин имлосига асосланган ўзбек алифбосида дид билан ёзилган. Саранжом-саришталик, тартиб-интизом қатъий йўлга қўйилган. Ўзаро муомала маданиятини пухта эгаллаган қайси шифокор билан мулоқотда бўлманг, ширинсуханлиги, ўз касбининг билимдонлиги, фидойилигини она тили орқали исботлагандек бўлади. Бўлим бошлиғи **Сорабек Раҳмонов** ўзининг кичикгина жамоасида даволаш жараёнининг намунали ташкил этилишига шифокорлар ўртасидаги ўзаро мулоқот қилиш маданияти тўлиқ имконият яратилганини қуйидагича ифодалайди:

– Бўлимимизда тўғри ва йўгон ичагида муаммоси бўлган беморлар даволанади. Бунинг учун 10 нафар шифокор, 25 нафар катта ва кичик ҳамшира хизмат қилмоқда. Шифохонамиз маъмурияти ва раҳбарияти илгари амалиётда қўлланилган “касалик варақаси” деган ҳужжат ўрнида “Шифохонадаги беморнинг тиббий баённомаси” номи иш қоғозини иш жараёнига татбиқ қилиб келмоқда. Ана шу ҳужжат ҳар бир беморга бошдан-оёқ ўзбек тилида тўлдирилади. Унда бемор ҳақидаги барча маълумотлар даволловчи шифокор томонидан қайд қилинади. Лаборатория таҳлили, касаллик келиб чиқиш сабаблари, беморнинг кундалик тана ҳарорати, истеъмол қилаётган дори-дармонлари, унда бўлаётган ўзгаришлар ва ҳоказо. 40 ўринли бўлимимизда ошқозон-ичак касалликлари безовта қилаётган беморлар қисқа муддатли даволаш курсини қабул қиладилар. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 1015 нафар бемор операция йўли билан дарддан фориғ қилинган бўлса, 1167 нафар бемор турли даволаш усуллари билан ўз касалликларини энгиллатишга муваффақ бўлди. Уларни шифохонадан оиласи бағрига қайтарар эканмиз, “Раҳмат, қўлингиз дард кўрмасин” деган миннатдорлигини эшитсак, бутун чарчоқларимиз тарқаб кетади.

Дарҳақиқат, касбий фаолияти тақозо этгани учун кўплаб беморлар билан мулоқотда бўлиш, уларнинг дардини тинглаш, ташхис қўйиш, таҳлил олиш, зарурий дори-дармонларни тавсия қилиш ҳар бир шифокорни ўз ишига масъулият билан қарашга ўргатади. Шифохонанинг хўжалик ҳисобидаги 2-терапия бўлимини кўп йиллардан бери тажрибали шифокор **Роза Шарипова** бошқариб келмоқда.

– 25 ўринли бўлимда ички аъзоларнинг барча касалликлари даволанади. Бемор 5-7 кундан зиёд ётмайди. Уларнинг барчаси соғайиб кетишларини истаган ҳолда чиройли муомала қиламиз. Акс ҳолда беморни норози қилсак, уни даволаш жуда мураккаб кечади. Бунга умуман йўл қўйиш мумкин эмас. Бизда қўлланилаётган энг яхши тажрибалардан бири ўзбек тилида иллюстрация қилиб ишланган қулай, ихчам кўринишдаги тарқатма материаллардир. “Паркинсон касаллиги билан оғриган касалларга қаровчилар учун тавсиянома”, “Кандли диабетда овқатланиш”, “Агарда сизда қон босими ошиб кетса”, “Жигарга тўғри гамхўрлик қилинг”, “Қамқонликнинг олдини олиш мумкинми?” каби қисқа матндаги суратли, ўзига хос дизайни билан диққат-эътиборни тортувчи бу варақаларни шу касаллик билан оғриган беморларга тарқатиб чиқамиз. Республика саломатлик ва тиббий статистика институти ходимлари томонидан берилган бу варақалар аҳоли саломатлигини сақлашнинг яна бир воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ўқиб-ўргансин, касаллигини ушбу кўрсатмалар бўйича даволашга ҳаракат қилсин, деган эзгу мақсадимизни беморлар бажонидил қабул қилишади. Бундан ташқари, бўлим коридорида ижтимоий хавфли касалликларнинг олдини олишга доир турли стендлар осиб қўйилган. Беморлар ўзбек тилида ёзилган бу стенд ва афишаларни кўриб, ўз тиббий билимларини ошириб боришмоқда.

Кўп тармоқли клиник шифохонада беморларни даволаш жараёни бюджет ҳисобидан ва тўлов маблағлари эвазига амалга оширилади. Табиийки, бу жараёндаги барча босқичлар ўзбек тилида олиб борилади. Шифохонанинг қайси бўлимига кирманг ва фаолият кўрсатаётган шифокор билан суҳбатда бўлманг, савол-жавоб қилиш маданиятини, жумла тузиш маҳоратини, ўз суҳбатдошига ижобий таъсир ўткази олишини, энг муҳими, ўз ишига нисбатан масъулият билан ёндашишини ҳис қиласиз. Улар орасида рус, татар, арман, қозоқ миллатига мансуб бўлган, Ўзбекистонда туғилиб ўсган юртдошларимиз ҳам бор. Улар ҳамкасблари ва беморлар билан ўзбек тилида раво гапиришга ҳаракат қиладилар.

Клиник шифохонада Тошкент тиббиёт академиясининг тиббий педагогика факультети талабалари ўз амалий ва назарий машғулотларини ўтказиш учун келадиларки, бу уларнинг келажакдаги фаолиятида катта аҳамият касб этади. Академиянинг 4-босқичда таълим олаётган талабалардан икки нафари билан суҳбатлашганимизда, улар бўлғуси мутахассиснинг ўз билим доирасини ошириши, малака ҳосил қилиши, беморни синчилаб ўрганиши учун барча шарт-



шароитлар яратилганини мамнун бўлиб таъкидлашди.

Фурқат ОРЗИЕВ,
Тошкент тиббиёт академияси тиббий педагогика факультети 4-босқич талабаси:

– Академияда таҳсил олар эканмиз, биз талабаларга ўз она тилимиз орқали билим эгаллаш, ўз мутахассислигимиз сир-асрорларини ўрганиш учун кенг имконият яратилган. Бизга профессор-ўқитувчилар томонидан маъруза матнлари ўзбек тилида ҳавола қилинади. Семинар дарсларида биз талабалар ўзаро баҳс-мунозарага киришиб кетамиз. Ҳафтанинг душанба, чоршанба, пайшанба ва шанба кунлари биз республика клиник шифохонасига амалий машғулот ўтказгани келамиз. Гуруҳимиздан 8 нафар талаба бу ерда тажрибали шифокорлардан жарроҳлик, терапия, травматология, генетика йўналишида қизиқарли маърузалар тинглайди. Айна пайтда бемор билан мулоқотда бўлиш, унга ташхис қўйиш, дори-дармонлар тавсия қилиш, муолажани амалга ошириш ҳақидаги тушунча ва билимимизни кенгайтираамиз. Амалиёт сабоқлари эрталаб соат 8 да бошланади, соат 13 дан 30 дақиқа ўтганда якунланади. Ана шу вақт оралиғида биз талабалар ўз она тилимиз орқали ихтисослигимизга оид кўплаб маълумотларга эга бўлмоқдамиз. Бу эса келажакда тажрибали шифокор бўлиб шаклланишимизда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Шерзод БОЙБЕКОВ,
Тошкент тиббиёт академияси тиббий педагогика факультети 4-босқич талабаси:

– Бугун биз жарроҳлик йўналишида “Йўгон ичак касалликлари” мавзусида амалий машғулот иштирокчиси бўлдик. Соат 8 дан 10:30 га қадар бўлган вақт оралиғида биз ушбу касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, ўзига хос симптомлари, беморга ташхис қўйиш, унинг ҳолатини ўрганиш, тавсия қилинадиган медикаментлар билан тўлиқ танишишга муваффақ бўлдик. Айна пайтда жарроҳлик бўлимида меҳнат қилаётган шифокорлар бизга бу хасталикни консерватив ва операция усулида даволашнинг амалиётда қўлланилиши ҳақида баътафсил ахборот бердилар. Биз даволанаётган беморлар билан

мулоқотда бўлдик, уларда келадиган клиник белгиларни ён дафтарчамизга қайд қилдик. Биз талабалар етук мутахассис бўлиб шаклланишимиз учун яратилган барча имкониятлардан мамнунмиз. Энг катта қулайлик ва афзаллик, биз ўз она тилимизда илм эгаллаётганимиздир.

Ҳар куни юзлаб юртдошларимиз турли муаммолар юзасидан келиб-кетаётган ёки даволанаётган даволаш муассасасида шифокорлар, кичик мутахассислар, беморлар ва уларнинг яқин кишиларига ўзаро муомала ҳамда мулоқот воситаси бўлиб хизмат қилаётган она тилимизнинг нақадар бой, жозибадор ва мазмунли эканлигига заррача шубҳа йўқ. Ўзаро муомала жараёнида ўзбек тилининг имло луғатига киритилган барча сўзлардан унумли фойдаланилиши, баъзан ҳазил-мутойибага ўрин берилиши, бир-бирларига нисбатан иззат-икром кўрсатилиши, қисқаси, хушмуомалада бўлиш она тилимиз орқали намоён бўлмоқда. Демак, она тилисиз, унинг иштирокисиз ҳеч ким ҳеч нарсага эриша олмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ожас маънавият – энгилмас куч” асарида таъкидланганидек, “...ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир. Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг сўзлари билан айтганда, “Хар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”.

Бу йил ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 25 йил тўлади. Ўтган йиллар мобайнида она тилимиз ана шу мавқеа-эътиборга ҳар жиҳатдан муносиб бўлиб келадиганини 1-республика клиник шифохонаси жамоасининг иш жараёни билан танишдик, яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Кўнгилда ўз она тилимизга нисбатан фахр-ифтихор туйғусини уйғотадиган бундай ижобий манзарага бошқа даволаш муассасаларида ҳам гувоҳ бўлиш қийин эмас.

Демак, юртдошларимизга ўз фикрини ўз она тилида баён қилиш, ёзма тарзда билдириш, барча ҳужжатларни расмийлаштириш имконияти яратилган экан, мустақил Ўзбекистонда ўзбек тили орқали тараққиётга эришилади.

Хулқар КУЗМЕТОВА,
Сурат муаллифи
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.



Инвестиция дастури амалда

Бухоро вилояти

ШИЖОАТ, ТАШАББУСКОРЛИК ВА ҲАЛОЛЛИК

бунёдкор халқимизнинг эзгу ишларида ўз ифодасини топмоқда

Бугун юртимизнинг қайси бир жабҳасида бўлмайдик, янги қурилаётган иншоотлар, равион йўллар, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари, шунингдек, халқимизнинг шижоат билан бирдамликда ишлаётганлигини кўриб, буларнинг барчасига мустақиллик шарофати билан эришаётганимизга шукроналар айтамыз. Куни кеча кўҳна Бухоро вилоятида хизмат сафарига бўлганимизда, у ердаги ўзгаришлар, яъни жаҳон стандартлари асосида қурилган иншоотлар, бир-бирдан гўзал боғлар, янгидан бунёд этилаётган қурилиш ишлари кўзни қувонтирди.

Айниқса, Бухоро шаҳридан чиқиб, Жондор, Қоракўл йўли орқали Олот туманига йўл олар эканмиз, ушбу ҳудудлардаги хонадонларнинг ободлиги ва равион йўлларда елаётган транспорт воситаларининг хилма-хиллиги юртимизда фаровонлик ҳукм сураётганлигини даълатдир. Олот туман тиббиёт бирлашмасига етиб борганимизда, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатаётган туман кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамда янгидан бунёд этилаётган 60 ўринли даволаш-диагностика бўлимининг ташқи кўриниши диққатимизни тортди. Ўтган йили ушбу тиббиёт муассасасида бўлга-

лаш-диагностика бўлимида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишдик. Бинонинг ташқи томонларини кузатар эканмиз, қурилиш-таъмирлаш сифатли олиб борилаётганлиги кўриниб турибди. **Бизни Олот туманидаги "Маржона" ирригация ва қурилиш хусусий корхонаси раҳбари Зарифа опа Чўлливани** кутиб олди. Самимий ва истарали, ўз касбининг билимдони бўлган Зарифа опа муассаса ичида давом этаётган ишлар билан таништири бошлади. У соғлиқни сақлаш тизимида беш йилдан буён Инвестиция дастури асосида қурилаётган янги иншоотлар, биноларнинг реконструкция ҳамда қайта таъмирлаш ишлари



жани ҳар томонлама қондира оладиган ва уларнинг турмуш фаровонлигини ошираётган эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Агар қурилаётган бино қанчалик сифатли, мустаҳкам бўлса, узоқ муддат халқимиз учун хизмат қилади. Ва бунинг баробарида корхона ва муассасалар давлат иқтисодиётига зарар келтирмайди. Буни ўз иш тажрибамда кўрдим. Олот туман тиббиёт бирлашмасининг лаборатория бўлимини бундан етти йил аввал қайта таъмирдан чиқариб берган эдик. Ханузгача ушбу лаборатория бўлими таъмирга муҳтож бўлгани йўқ. Президентимизнинг 2013 йил 18 ноябрдаги "2014 йил Инвестиция дастури тўғрисида"ги 2069-сонли Қарорига мувофиқ, жорий йилда республикамизда жами 137 та тиббиёт муассасасида қурилиш, реконструкция ҳамда мукаммал таъмирлаш ишлари режалаштирилган эди. Ушбу йўналиш бўйича эълон қилинган тендерда бизнинг "Маржона" ирригация ва қурилиш хусусий корхонаси голиб чиқди. 2014 йилнинг январь ойидан бошлаб Олот туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги 60 ўринга мўлжалланган янги даволаш-диагностика бўлими қурилишини бошладик. Ушбу бўлим икки қаватдан иборат бўлиб, унда қабулхона, диагностика, операция блоки, реанима-

ция, рентген, болалар, хирургия ва режали шошилиш хирургия бўлимлари мавжуд. Давлат бюджетидан 2 миллиард 730 миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, ушбу маблағлардан оқилонга фойдаланиб келмоқдамиз. Шу кунга қадар қурилиш ишлари 98 фоизга бажарилиб, ноябрь ойининг биринчи ярмигача фойдаланишга топширишни кўзда тутганмиз. Қурилиш жараёнида бўлимларни ўзига хос меъёрий даражада тайёрлаб боряпмиз. Айниқса, "Саломатлик-3" лойиҳаси томонидан берилган рақамли рентген аппарати талафотсиз тарзда, яъни хонанинг томи ёпилмай туриб, кран билан ажратилган рентген хонасига жойлаштирилди. Реанимация бўлими ҳамда операция блокига ўрнатилаётган иситиш ва совутиш тизими бўйича каналли кондиционерни ҳам тегишли қоидалар асосида ўрнатмоқдамиз. Асосий мақсадимиз, ушбу шифо масканида хизмат қиладиган тиббиёт ходимларининг кўтаринки кайфияти билан иш-лашлари, шунингдек, даволашнишга келадиган беморлар учун қулай шароитларни яратишдан иборатдир.

Дарҳақиқат, Зарифа опанинг куюнчақлиги, ташаббускорлиги, шижоатига ҳавас қилса арзигулик. Опа 1966

йилда Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг инженер-гидротехник факультетини имтиёзли тугатган экан. Бахтни қарангки, турмуш ўртоғи Аскар ака билан бирга таҳсил олишган ва шу кунга қадар биргаликда қурилиш соҳасида фаолият юритиб келмоқдалар. Зарифа опа иш фаолиятини Олот туманида қурилиш мастери, бригадир ва бошлиқ лавозимларида бошлаган. 1970-85 йиллар оралиғида тумандаги қурилиш техникумида директор вазифасини бажарди. 1986-91 йилларда туман ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, коммунал хўжалиги раҳбари вазифаларида ишлаб, ўзининг ишбилармонлиги ва ҳалол меҳнати билан эл орасида обрў-эътибор қозонди. Сўнгра 2006 йилгача "Чарос" ирригация ва қурилиш хусусий корхонаси директори, 2006 йилдан шу кунгача "Маржон" ирригация ва қурилиш хусусий корхонасида раҳбарлик қилиб, тумандаги қанчадан-қанча иншоотларни янгидан бунёд этиш, шунингдек, реконструкция қилиш ва қайта таъмирдан чиқаришда ўз жамоаси билан фаол қатнашиб келмоқда. Сўбат давомида Зарифа опадан: "Сиз инженер-гидротехник

(Давоми 4-бетда).



нимизда, марказий поликлиникада янги қурилиш ишларининг бошланганлигига гувоҳ бўлган эдик. Бугун мазкур шифо масканининг янги қиёфага кирганини кўриб, бу албатта соғлиқни сақлаш тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ишларнинг ёрқин ифодаси ҳамда Инвестиция дастурининг амалдаги ижроси эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Аввало, биз муассаса ҳудудига янгидан қад кўтараётган ва 2014 йилда Инвестиция дастурига киритилган 60 ўринли даво-

тизимли равишда амалга оширилаётганини мамнуният билан қайд этди. Мамлакатимизнинг барча вилоятлари тиббиёт муассасаларида Инвестиция дастури бўйича қурилаётган иншоотлар аҳоли манфаатларига мосдир. **Тажрибали қурувчи, инженер-гидротехник Зарифа опа Чўлливани сўхбатга тортдик.** – Аввало, Юртбошимизнинг биз каби тадбиркорларга кенг йўл очиб берганлиги бугунга келиб, ҳар бир соҳа мутахассисини ўз устида мукаммал ва виждонан ишлашга ундамоқда. Шу билан бирга халқимиз эҳтиё-



Дунёдаги кўпгина тараққий топган, бугунги кунда барқарор ва бадавлат яшаб келаётган давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, аввало ўзининг хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай шахслардан иборат бўлган тоифа, яъни ўрта синф бу бойликни янада кўпайтиришга, ўзини ва оиласини боқишга, шу билан бирга, давлат ва жамият зиммасида бўлган кўпгина вазифаларни амалга оширишга ўз хиссасини кўшади ва осовишталикни сақлаш ва химоялашда астойдил жон куйдиради.

Ислом КАРИМОВ.

ШИЖОАТ, ТАШАББУСКОРЛИК ВА ҲАЛОЛЛИК

бунёдкор халқимизнинг эзгу ишларида ўз ифодасини топмоқда



факультетини тугатган бўлсангиз, бу йўналишнинг қурилиш ишларига қандай боғлиқлиги бор", деб сўрадик. Му-

(Давоми. Боши 3-бетда).

лоҳазали, кенг фикрлай оладиган Зарифа опа ҳеч иккиланмасдан: "Инженер-гидротехник аввало насос энергиялари бўйича иш юритади. Бу касбни билган инсон қурилиш жараёнида амал-

га оширилаётган жиҳатларни яхши тушунади. 1970-71 йилларда тумандаги насос энергия подстанциясида иш олиб борган давримда бугунги фаолиятимга дахлдор бўлган қурилишнинг сир-синаотларини эгаллаб олдим", дея жавоб бердилар.

Бундан 2-3 йил олдин "Саломатлик-3" лойиҳасидан келтирилиши кутилган ноёб, замонавий рақамли рентген аппаратларини туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси ва стационарга жойлаштириш режалаштирилган эди. Ўтган йиллар давомида айрим туман кўп тармоқли марказий поликлиникалари ҳамда шифохоналарда хизмат сафаридида бўлганимизда, баъзи қурилиш объектлари ниҳоясига етказилгану, лекин рақамли рентген аппаратларини ичкарига киритиш масаласи муаммо эди. Чунки, киритилиши керак бўлган аппаратларнинг ҳажми катта. Бу-

нинг учун ажратилган хонанинг деярли ярми бузилгандагина олиб кирилиши мумкин эди. Бу албатта, давлат бюджети томонидан сарфланган маблағ зое кетишига сабаб бўлади. Ана шундай ҳолатларни ҳам учратдик. **Лекин Зарифа опанинг ишбилармонлиги сабаб, рентген аппарати бинонинг том қисми ёпилмай туриб, хона ичига туширилди. Демак, давлат маблағи исроф бўлишига йўл қўйилмади.** Ана шундай ўз ишининг билимдонни, кўп йиллик тажрибага эга бўлган, жамиятга фойдам тегсин, дейдиган Зарифа опадек инсонлар билан суҳбатлашган

сайин суҳбатлашгинг келаверар экан. Ҳамон қалби меҳнатга йўғрилган Зарифа опанинг келгусидаги режалари Олот туманида давом этаётган қурилиш ишларида фаол иштирок этиб, туман чиройига янада чирой кўшиш ва ўзининг сифатли хизматлари билан жамиятимиз равнақига хисса қўшишдан иборатдир. Тумандаги прокуратура ташкилоти ҳамда санъат ва мусиқа коллежларининг ўзига хос жозибали билан кўрк бағишлаб турганлиги Зарифа опа бошчилигидаги жамоа аҳлининг меҳнатлари эвазига эканлигига яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Юртбошимизнинг бунёдкор халқим билан фахрланаман, деган фикрлари айнан Зарифа опадек инсонларга қаратилганлиги бежиз эмас. Чунки, бу каби бунёдкорлик ишлари кўли гул усталаримизнинг меҳнатлари махсулдир. Шундай экан, Зарифа опа Чўлпиева ва унинг аҳил жамоасига мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик тилаб қоламиз.

АҲОЛИ ТЕЗКОР, ҚУЛАЙ ВА СИФАТЛИ АППАРАТЛАРДАН МАМНУН

2013 йил Олот туман кўп тармоқли марказий поликлиникада хизмат сафаридида бўлганимизда, қайта таъмирлаш ишлари кетаётганлигини кўрган эдим. Бу йилги сафаримизда эса кўз ўнгимизда ушбу муассаса умуман янгилик қиёфада намойён бўлди. Ичкарига кириб борар эканмиз, бизни поликлиника мудираси Шаодат Қутлиева очиқ чеҳра билан кутиб олди. 175 қатновга мўлжалланган туман кўп тармоқли марказий поликлиника 2013 йил Инвестиция дастури бўйича қурилиб, айни кунда аҳоли хизматида эканлиги бизни янада қувонтирди. Поликлиника фаолияти билан яқинроқ танишиш мақсадида мудира Шаодат Қутлиева ва бошқа тиббиёт мутахассислари билан суҳбатда бўлдик.

– Туман кўп тармоқли марказий поликлиникамиз "Кўп тармоқли марказий поликлиника Низоми"га асосан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари учун чиқарилган барча буйруқ ва фармойишлари асосида фаолият юритади. Юқорида таъкидланганидек, марказий поликлиникамиз 175 қатновга мўлжалланган бўлиб, 2013 йилда Инвестиция дастури бўйича қурилиб, ишга туширилди. Икки қаватдан иборат бинода фтизиатр, травматолог хоналари, болалар, стоматология бўлимлари ҳамда аёллар маслаҳатхонаси жойлашган. Аҳолига кўз касалликлари, ишонч хонаси, УЗИ, эндокринолог, дерматовенеролог, онколог, уролог, кардиолог, ревматолог, гематолог, алерголог, пульмонолог, гастроэнтеролог, ЛОР, хирург, инфекционист, нефролог, терапевт, акушер-гинеколог, умумий амалиёт шифокори, педиатр, флюорография ҳамда лаборатория хизматлари кўрсатилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 17 майдаги 161-сонли буйруғи асосида кўп тармоқли марказий по-

ликликанинг 41/1-сонли буйруғи ишлаб чиқилди ва ишлар шу буйруқ бўйича олиб борилмоқда. Шу ўринда таъкидлаб ўтишим лозимки, давлатимиз



томонидан бирламчи тиббий-санитария ёрдамига қаратилган эътибор боис, аҳоли орасида касалликлар кўрсаткичи камайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бирламчи тизим фаолиятига оид ишлаб чиқилган буйруқлар асосидаги ишлар ўз самарасини бериб келмоқда. Жумладан, "Сало-

матлик сектори", маҳалладаги доимий ҳамкорлик режаси асосида ҳафтанинг душанбаси нурунийлар, шешанбаси хомиладорлар, чоршанбаси болалар ва ўсмирлар, жумаси аёллар ва қизлар, шанбаси эса ўқув муассасалари куни деб эълон қилинган ва шу асосда иш ташкил этилмоқда. Аниқланган муаммолар бўйича маҳалла фуқаролар йиғини ва тегишли ташкилотларга маълумотлар бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 13 ноябрдаги "Бирламчи тиббий-санитария тизими фаолиятини



ланган 13988 нафар касалликдан 13761 нафари амбулатор ва стационар шароитда соғломлаштирилди. Шунингдек, 2013-2014 ўқув йилида ўрта умумтаълим мактабларида тахсил олаётган 14343 нафар боладан 14304 нафари тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий кўрикда касаллиги аниқланган 3115 нафар боладан 2992 нафарига режа асосида амбулатор ва стационар шароитда соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Марказий поликлиникамизда ходимлар учун барча шароитлар яратилган. Шу билан бирга мурожаат этиб келаётган беморлар ҳамда фуқароларга кенг имкониятлар мавжуд. Жумладан, "Саломатлик-2" лойиҳаси томонидан аҳоли хизматида тақдим этилган стоматология жамламаси, "Саломатлик-3" лойиҳасидан энг сўнгги русумдаги УТД ҳамда рақамли рентген аппарати ва жамламаси (дигитайзер, бошқарув пульти)нинг келтирилганлиги ҳам аҳолига сифатли, тезкор ва аниқ ташхис қўйишда муҳим

аҳамиятга эга бўлмоқда. Айни пайтда "Саломатлик-3" лойиҳасидан келтирилган рақамли рентген аппарати мутахассислар томонидан мўлжалланган хонага ўрнатилди ва тез кунларда ишга туширилади. УТД аппарати ва дигитайзер тажрибали мутахассислар томонидан бошқарилиб, ҳудудимиз аҳолисига хизмат қилмоқда. Ушбу ноёб, қимматбаҳо аппаратлардан оқилона фойдаланиш раҳбар ҳамда УТД врачлари, врач-рентгенолог ва лаборант-рентгенологлардан катта масъулият талаб этади. Ушбу аппаратларда мукаммал ишлай олиш учун мутахассисларимиз пойтахт ҳамда Самарқанд вилоятида ташкил этилган ўқув-семинарларда иштирок этиб, ўз малакаларини ошириб қайтдилар. Келгусидаги режаларимиз, аввало аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтириб, касалликларнинг олдини олишдан иборатдир.

(Давоми 5-бетда).

Бугун юртимизнинг қайси бир жабҳасида бўлмайдик, янги қурилатган иншоотлар, раво йўллар, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари, шунингдек, халқимизнинг шижоат билан бирдамликда ишлаётганлигини кўриб, буларнинг барчасига мустақиллик шарофати билан эришяётганимизга шукроналар айтаемиз. Дарҳақиқат, Юртбошимиз айтганларидек: «Юртимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлиши ва олдимизда турган юксак вазифаларнинг бажарилиши, ҳеч шубҳасиз, қишлоқларимизнинг тақдири ва келажаги билан боғлиқ».



АҲОЛИ ТЕЗКОР, ҚУЛАЙ ВА СИФАТЛИ АППАРАТЛАРДАН МАМНУН

**Умрзоқ АСАДОВ,
Олот туман кўп тармоқли
марказий
поликлиниканинг
ультратовуш
диагностикаси врачлари:**

– Анча йиллардан буён ультратовуш диагностикаси врачлари (УТД) вазифасида фаолият юритиб келмоқдамиз. УТД аппаратлари бугунги кунда инсон саломатлигини асраб-авайлаш, касалликни аниқлашнинг муҳим воситасига айланди. Бунинг ифодасини иш жараёнида кўриб келаямиз. Лекин бундай ноёб аппаратда ишлаш, бошқариш ва касаллик ташхисини тўғри аниқлаш олиш осон эмас. Шундай экан, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти тасарруфидоги ультратовуш диагностикаси кафедрасидаги мутахассислар томонидан олиб бериладиган назарий ва амалий билимлар биз каби мутахассисларнинг билим даражамизни бойитишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Аввал келтирилган УТД аппарати жойида, шунингдек, чуқурлаштирилган тиббий кўрик, қолаверса, аҳоли орасида кўчма тарзда хизматни ташкил этиш ва беморни уйда кўриш имкониятига эга бўлса,

янги русумда ишлаб чиқариладиган эса стационар шароитга мослаштирилганлиги халқимиз саломатлиги учун алоҳи-

моқда. Айниқса, қабулимга келадиганлар сони кўплигини, шунингдек, халқимизнинг ўз саломатлигига эътибори ҳамда тиб-

**Ҳуснора РАҲМАТОВА,
«Самин-қоровул» қишлоқ
фуқаролар йиғини фуқароси:**

– 4-5 йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этиладиган «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида ўтказиладиган саломатлик ҳафталигида соғлиқимни текширтириб турибман. Пойтахтимиз ҳамда вилоятимизнинг профессор ва малакали мутахассислари иштирокидаги чуқурлаштирилган тиббий кўрикда ўт қопимда шамоллаш ва буйрагимда киста борлиги аниқланган эди. Шу кунга қадар уларнинг тавсиялари асосида даво муолажаларини олиб, саломатлигимни тикладим. Муолажалар натижасини билиш учун поликлиникамизга «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан берилган УТД текширувга келдим. Тажрибали УТД врачлари Умрзоқ Асадов ўт қопим ҳамда буйрагимни текшириб кўрач, аҳолим яхши эканлигини айтганида кўнглим хотиржам бўлди. Туманимизда ўз касбининг устаси бўлган фидойи шифокорлар ва замонавий тиббий асбоб-ускуналарнинг беморлар дардига малҳам бўлиб келадиганлиги, мамлакатимизда инсонларга кўрсатиладиган ғамхўрликнинг ифодаси деб биламан.

да ўринга эга бўлмоқда. 2014 йил бошидан «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан поликлиникамизга тақдим этилган энг сўнгги русумдаги УТД аппарати олдинги аппаратларга қараганда экранининг катталиги ҳамда бошқарув пультадаги қулайликлари билан касалликларга тўғри ташхис қўйишда янада қўл кел-

биёт ходимларига бўлган ишончини кўриб, хурсанд бўламан. Мурожаат этувчилар организмдаги биргина аъзони эмас, балки барчасини текширтирилади. Бу уларнинг тиббий маданияти ошганлигини кўрсатади. Жорий йил бошида юқорида тилга олинган янги УТД аппаратида мукамал ишлаш оли-



шим учун Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг ультратовуш диагностикаси кафедрасидаги тажрибали мутахассисларнинг дарс жараёнларида иштирок этиб қайтдим. Мутахассис сифатида айтмоқчиманки, қабулимга келадиган фуқароларда буйрак-тош, жигар циррози, ўт қопи, ошқозон ости беши (шамоллаш) касалликлари мавжудлигини кўриб, уларга тегишли маслаҳатимни бериш билан бирга, хасталиги бўйича керакли мутахассисга муро-

жаат қилишларини такрор ва такрор айтаман. Давлатимиз тиббиёт ходимлари меҳнатини қўллаб-қувватлаб, шу қадар кенг имконият яратиб бераётган экан, биз бундай шароитлардан унумли фойдаланишимиз, ўз касбимизни суиистеъмол қилмаслигимиз, қолаверса, инсон саломатлигини кафолатлай оладиган ноёб тиббий асбоб-ускуналар, қимматбаҳо аппаратларни кўз қорачигимиздай асрашимиз зарур, деб биламан.

**Илҳом ВАФОВ,
Олот туман тиббиёт бирлашмаси
бошлигининг даволаш ишлари
бўйича ўринбосари:**

– Мана бир неча йилдирки, мамлакатимизда Инвестиция дастури асосида давом этаётган изчил фаолиятлар соғлиқни сақлаш тизимида ҳам ўзининг маҳсулини кўрсатмоқда. Бизнинг туман тиббиёт бирлашмамизда ҳам Инвестиция дастури асосида оптимизация ишлари бошлаб юборилди. 2013 йилда Инвестиция дастурига киритилган 175 қатновга мўлжалланган туман кўп тармоқли марказий поликлиника биноси битказилиб, ҳозирги кунда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда хизмат қилмоқда. 2014 йил январь ойида инвестицияга киритилган 60 ўринга мўлжалланган даволаш-диагностика бўлимида қурилиш ишлари давом этмоқда. Ушбу бўлимнинг ноябрь ойида фойдаланишга топширилиши кутилмоқда. 2015 йилда эса туғруқ комплекси, 2016 йилда юқумли касалликлар бўлимини янгидан бунёд этиш Инвестиция дастурига киритилган. Шу кунга қадар «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан кутулган 2 та рақамли рентген аппарати ва жамламаси, УТД аппаратлари ва бир қанча тиббий асбоб-ускуналар келтирилди. Булар айни кунда туманимиз аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Мутахассисларимизнинг малакасини ошириш масаласига ҳам катта эътибор қаратиб келмоқдамиз. Юқоридаги аппаратлар бўйича мутахассислар Тошкент, Самарқанд шаҳарлари ҳамда вилоятимиздаги кафедра ва ўқув марказларида ўз билим ва малакаларини ошириб қайтди.

Халқимиз учун Инвестиция дастурининг қулай ва афзаллиги шундаки, тумандаги тиббиёт муассасаларининг бир жойда (оптимизация) бўлгани, бу албатта сарсонгарчиликни бартараф этибгина қолмай, инсонлар вақтини тежаш билан бирга, иқтисодий қийинчиликларнинг олдини олади. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган асосий мақсадларимиз эзгуликка қаратилган экан, биз тиббиёт ходимлари ҳам бу борада бор билим ва касбий маҳоратимизни ишга солиб, бемор қалбларга нажот бахш этишдан чарчамаймиз.



Шерали СОҲИБОВ,

Олот туман кўп тармоқли марказий поликлиника врач-рентгенолоғи:

– Тиббиётимиз йилдан-йилга раванқ топиб, аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати кундан-кунга ошиб бораётганлиги халқимиз орасида касалликлар кўрсаткичи камайиб боришига имкон яратмоқда. Айниқса, юртимиздаги шифо масканларининг жажон андозаларига мослиги, энг сўнгги русумдаги тиббиёт аппаратларининг мавжудлиги, кадрлар малакасини оширишга қаратилган эътибор бугунги мутахассисдан катта масъулият ва жавобгарлик ҳиссини талаб этмоқда. Шундай экан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бир қанча ташкилотлар ҳамкорлигидаги ишлар бугунга келиб ўзининг юқори самарасини бераётганлиги биз каби ёш мутахассисларни изланишга, дунё тиббиётидан бохабар бўлишга, ахборот ресурсларидан унумли фойдаланишга ундамоқда. Шунини мамнуният билан айтмоқчиманки, кўп тармоқли марказий поликлиникамизга «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан энг ноёб аппаратлардан бири бўлган рақамли рентген аппарати ва унинг жамламаси «Дигитайзер ва бошқарув пульта»нинг келтирилганлиги ишларимизни тезкор, сифатли ва тўғри аниқлашга катта ёрдам бермоқда. Ушбу аппаратда ишлаш врач-рентгенолог ҳамда лаборант-рентгенологдан аввало билим ва катта масъулият талаб этади. Жорий йилнинг июнь ойида Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасида пойтахтимиздаги тажрибали рентгенолог-мутахассислар томонидан олиб борилган 2 ҳафталик ўқув курсида қатнашиб, ушбу ноёб аппарат ва унинг жамламасида ишлаш жараёнларини ўрганиб қайтдим. Албатта, бу рентген аппарати ва дигитайзерда ишлаш олдинги фаолиятларимизга қараганда ўзининг тезкорлиги, қулайлиги, сифатлилиги ҳамда вақтни тежаш билан алоҳида ажралиб туради. Шу билан бирга аппаратнинг яна бир қулайлиги рентгенга тушган беморнинг касаллик ташхисини унинг архивида сақлаб қолади.

Эндиликда бундай ноёб аппаратларни бошқаришда унинг муҳим хизматларига эътибор қаратишимиз, оқилона фойдаланишимиз, қисқа қилиб айтганда уни кўз қорачигимиздай асрашимиз керак. Ана шундагина, ушбу аппаратларнинг халқимиз саломатлиги йўлида кўп йиллар хизмат қилишини таъминлаган бўламиз.

Эндиликда бундай ноёб аппаратларни бошқаришда унинг муҳим хизматларига эътибор қаратишимиз, оқилона фойдаланишимиз, қисқа қилиб айтганда уни кўз қорачигимиздай асрашимиз керак. Ана шундагина, ушбу аппаратларнинг халқимиз саломатлиги йўлида кўп йиллар хизмат қилишини таъминлаган бўламиз.

**Озода ҚИЛИЧОВА,
«Талқон-сайёт» қишлоқ
фуқаролар йиғини
фуқароси:**

– Туманимизда инсон саломатлиги борасида жуда кўп ишлар қилинмоқда. Туман тиббиёт бирлашмамизда ўтган йили қад кўтарган туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида мавжуд шароитлар барчамизни қувонтирмоқда. Айниқса, ундаги тозалик, тиббиёт ходимларининг муомала маданияти, билимдонлиги, шу билан бирга янги стоматология, ультратовуш диагностикаси, рентген ва бир қанча аппаратларнинг борлиги касалликларни ўз вақтида аниқлаш, даволаш ҳамда таҳлилларни тезкор аниқлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бир неча йиллардан буён буйрагим безовта қилар эди. «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан поликлиникамизга келтирилган янги УТД аппаратида тажрибали мутахассис Умрзоқ Асадовнинг текширувидан ўтганимда буйрагимда тош борлиги маълум бўлди. Сўнгра рентген аппарати ҳам саломатлигимни текширгач, дигитайзер жамламасининг тезкорлиги билан аниқлаган ташхис ва навбат кутиб турмаганлигини юртимиз раҳбарининг тиббиёт тизими ҳамда аҳоли саломатлигига бўлган ғамхўрлигини дилдан ҳис этдим. Эндиликда ушбу туман тиббиёт бирлашмамизда барча бўлимлар бир жойда бўлиши таъминланаётганлиги ҳам узоғимизни яқин, оғиримизни энгил қилаётганлигидан туман аҳли миннатдор бўлмоқда.

(Давоми 6-бетда).



Орзугул АМУЛЛАЕВА,

Бухоро вилояти, Олот тумани, Ўзбекистон кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро:
– 2 нафар фарзандим бор. Улар соғлом. Хомилдорлик давримда Олот туман кўп тармоқли марказий поликлиника шифокорларининг доимий назоратлари фарзандларим соғлом туғилишида катта бўлди. Айниқса, патронаж ҳамшираларнинг хонадонимизда бўлиб, оила аъзоларимиз саломатлигидан доимий бохабар бўлишларидан биз доим мамнунмиз. Бугун акушер-гинеколог Наргиза Хўжамбердиева қабулида бўлиб, саломатлигим тўғрисида муҳим тавсияларни олдим. Ва “Саломатлик-3” лойиҳаси томонидан берилган УТД аппаратида текширувдан ўтгач, контрацепция воситасидан фойдаланишим мумкинлигини айтишди. Туманимизда биз ва фарзандларимиз соғлиги учун масъул бўлган тажрибали шифокорлар бор экан, бундан кўнглимиз тўқ.

АҲОЛИ ТЕЗКОР, ҚУЛАЙ ВА СИФАТЛИ АППАРАТЛАРДАН МАМНУН



Наргиза ХЎЖАМБЕРДИЕВА,
Олот туман кўп тармоқли марказий поликлиника акушер-гинекологи:
– Кейинги йилларда давлатимиз томонидан оналик ва

болаликни муҳофаза қилиш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан, Президентимиз томонидан соҳага оид чиқарилаётган фармон ва қарорлар замирида келажагимиз бўлган ёш авлоднинг соғлом ва

баркамол вояга етиши, шунингдек, инсон саломатлиги ҳамда унинг манфаатлари ётганлигини кўрамиз. Шундай экан, туман тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган ҳар бир тиббиёт ходими она ва бола саломатлиги учун астойдил хизмат қилиб келмоқда. Туман кўп тармоқли марказий поликлиникамиз таркибида аёллар маслаҳатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Унда 12 нафар врач, 10 нафар доя, 2 нафар кичик тиббиёт ходими меҳнат қилади. Мазкур маслаҳатхонамиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олот туман тиббиёт бирлашмаси томонидан чиқарилган буйруқлар асосида иш олиб боради. Марказий поликлиникамиз таркибида 3472 нафар фертил ёшдаги аёл бўлиб, шундан 3412 нафари чуқур тиббий кўриқдан ўтказилиб, 212 нафар аёлда экстрагенитал, 62 нафарида эса генитал касаллик борлиги аниқланиб, касалликлар-

нинг 20 фоизи стационар қолганлари эса амбулатор шaroитда соғломлаштирилди. Аёллар маслаҳатхонаси таркибида скрининг маркази ҳам фаолият олиб боради. Жорий йилнинг шу кунига қадар туман бўйича 810 нафар хомилдор аёлнинг барчаси 14 ҳафтагача УТД текширувидан ўтказилиб, уларнинг айримларида нуқсонли хомила аниқланиб, ўз вақтида тўхтатилди. Шу билан бирга исталмаган хомилдорликнинг олдини олиш мақсадида аёлларимиз контрацепция воситалари билан кенг қамраб олинди. Хомила соғлом ривожланиши учун 150 нафарга яқин аёлга конвалюта Витрум перинатал препарати ва поливитамин тарқатилди. Аҳоли орасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида тушунтириш ишлари тўғри йўлга қўйилганлиги боис, болалар орасида касаллик кўрсаткичлари камайиб бормоқда. Айниқса, маҳалла фуқаролар йиғини,

шунингдек, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигимиз халқимизнинг ўз саломатлигига бўлган эътибори ҳамда тиббий маданиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мутахассисларимиз билан биргаликда аҳоли, мактабгача таълим муассасаси, мактаб, касб-хунар коллежларида долзарб мавзуларда йиғилиш, давра суҳбатларини мунтазам тарзда ўтказиб келмоқдамиз. Бунинг баробарида мавзулар бўйича тайёрланган кўрсатмалар буклет ва плакатлар тарқатилиб, учрашувлар давомида видеофильмлар ҳам намойиш қилинмоқда.

“Соғлом бола йили” Давлат дастури бўйича режалаштирилган ишларимизни янада самарали давом эттириб, ўсиб келаётган фарзандларимиз келажаги учун масъул эканлигимизни дилдан ҳис этган ҳолда астойдил хизмат қиламиз.

Практическая помощь врачу общей практики

КОНСУЛЬТИРОВАНИЕ В ОВП

Консультирование – это основа общей врачебной практики, посредством которой обеспечивается первичная медицинская помощь.

Консультация – это процесс, возникающий между врачом и пациентом, другими словами, это встреча экспертов: доктора-эксперта и пациента-эксперта. Провести эффективную консультацию иногда бывает намного сложнее, чем установить сам диагноз заболевания.

Задачи консультации:

* распознать проблему и установить её причину;

* добиться хорошего терапевтического результата для пациента;

* укрепить доверительные взаимоотношения между врачом и пациентом.

Понимание контекста консультирования в его широком смысле – это значит:

* воспринимать каждого пациента как личность и индивидуальность, не похожую на других;

* верить в то, что больной – это не сломанная машина, а уникальный человеческий организм;

* помнить, что понятия “здоровье” и “болезнь” включают больше, чем наличие или отсутствие признаков или симптомов.

При консультации, ориентированной на пациента, врач должен стремиться проникнуть в его “жизненный мир” и увидеть проблемы или болезни с точки зрения пациента. Эффективное консультирование является краеугольным камнем общей врачебной практики и основано на успешном обмене информацией (межличностном общении – МЛО). Такое комплексное взаимодействие было глубоко изучено в различных исследованиях и разработано множество моделей консуль-

таций. Ранние модели фокусировались на роли и точке зрения врача, т.е. модель “врач – в центре”. Более поздние модели основаны на подходе “пациент – в центре”, т.е. направлены на цели и причины обращения пациента, его беспокойстве, идеях, ожиданиях и интересах. Оказалось, что сосредоточение на пациенте увеличивает его удовлетворенность медицинской помощью и, тем самым, улучшает конечные результаты медицинских услуг. Не существует единого правильного способа проведения консультации. Подходы могут изменяться в зависимости от ситуации и участников консультации. Однако полезно проанализировать способы, с помощью которых мы взаимодействуем с пациентами. Критически рассматривая собственный стиль консультирования (лучше с помощью видеозаписи), врач может выявить свои сильные стороны и недостатки и в дальнейшем улучшить свои навыки и технику консультирования.

Потенциальные барьеры к эффективному консультированию

Такие барьеры могут быть различными и их обязательно надо учитывать. Это может быть недостаток времени, языковые проблемы, половая принадлежность, возраст, этническое и социальное происхождение врача и пациента, “чувствительные”

моменты, скрытые причины обращения, различие в целях консультации пациента и врача или недостаток доверия между ними, предыдущие “неудачные или трудные” консультации.

Продолжительность консультации

Средняя продолжительность консультации “лицом к лицу”, т.е. прямой контакт, составляет 15 минут. В Великобритании, например, она составляет в среднем около 7 минут прямого контакта с врачом (из 10 минут назначенной консультации – около 7-8 минут уходит на непосредственное общение с врачом), в Канаде и Новой Зеландии – вдвое выше.

Личные особенности и отношение ВОП влияют на продолжительность консультации: женщины ВОП, пожилые врачи, врачи, обладающие высокой квалификацией или психологическими навыками общения, проводят более длительные консультации. Пациенты предпочитают, чтобы их консультировали дольше, и так как длительные консультации повышают качество оказания медицинской помощи, то было предложено использовать установленные 10-15 минут, как ориентировочный показатель. Положительный эффект: увеличивает удовлетворенность пациента и врача, улучшает общение и взаимосвязь “врач – пациент”, повышает вероятность идентификации физиологической проблемы, способствует более качественной пропаганде здорового образа жизни, снижает частоту повторных консультаций и количество назначений при малых медицинских проблемах. Однако существует и такая тенденция: с увеличением време-

ни на консультацию, время контакта “лицом к лицу” значительно снижается.

Количество консультаций

Среднее количество консультаций одного пациента в год может составлять 2-6. Факторы, влияющие на количество консультаций: количество прикрепленного населения (чем его больше, тем ниже среднее количество консультаций); новые и пожилые пациенты (увеличивают количество консультаций); наличие социально уязвимых групп на участке (увеличивает количество консультаций); время года (увеличивается число консультаций зимой); повышение информированности населения и пропаганда здорового образа жизни также увеличивают количество консультаций.

Управление временем

Организация назначений и записей на прием к ВОП практикуется во всех странах с развитой системой ПМСП. Это помогает правильно распределить и рационально использовать время и ресурсы здравоохранения. Конечно, даже самые организованные врачи не всегда могут точно следовать запланированному графику в силу неотложных или экстренных консультаций, опозданий пациента. Но опыт показывает, что си-

стема записи на консультации увеличивает удовлетворенность пациентов, помогает избежать конфликтов с пациентами, долго ожидающими приема, равномерно распределить нагрузку врача в течение рабочего дня и, тем самым, повысить эффективность и качество медицинской помощи.

Стремление рационально использовать время – начинать вовремя; назначать плановые консультации проблемных состояний заранее (например, во время консультации назначить день и время следующего визита – записать в специальном журнале); выделить больше времени на консультации определенных групп пациентов (новые, пожилые пациенты, комплексные проблемы со здоровьем и т.п.); сложные сочетанные состояния изучать последовательно, охватывая их постепенно, назначая последующие визиты.

Если вы нарушили свой запланированный график, попросите работников регистратуры извиниться за опоздание перед пациентами или попросить другой персонал провести нужные для консультации процедуры (доврачебный прием, просмотр информационной литературы по интересующему вопросу и т.д.).

«Саломатлик-3» лойиҳасини татбиқ этиш марказий бюроси.

Ижрочи директор Ж. ЖАБРИЕВ.
100007, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51,
Тошкент врачлар малакасини
ошириш институти, 3-қават.
Телефонлар: 268-08-19, 267-73-47.
268-25-39 (факс). E-mail:office@jpib.uz
Лойиҳа материалларини
Ибодат СОАТОВА тайёрлади.
Муаллиф олган суратлар.

Специалист предупреждает

ГЕМОРРАГИЧЕСКАЯ ЛИХОРАДКА ЭБОЛА

Геморрагическая лихорадка Эбола (Ebola HF) является тяжелой, часто фатальной болезнью у человека и приматов (обезьян и шимпанзе), которая возникает спорадически с момента первого обнаружения в 1976 году.

Заболевание вызывается вирусом Эбола, получившим свое название по реке в Демократической Республике Конго (ранее Заир) в Африке, где впервые он был идентифицирован. Данный возбудитель заболевания является одним из двух представителей семейства РНК-содержащих филовирусов (Filoviridae). Три из четырех разновидностей вируса Эбола вызывают болезнь у людей, среди них Эбола-Заир, Эбола-Судан и Эбола-Кот-д-Ивуар. Четвертый вид, Эбола-Рестон, приводит к заболеванию только у нечеловекообразных обезьян.

Местонахождение вируса Эбола в природе

Точное происхождение, расположение и естественная среда (также известная под наименованием "природный резервуар") вируса Эбола остаются неизвестными. Однако на основе имеющихся сведений и особенностей подобных возбудителей ученые сделали вывод, что Эбола – зоонозный (передающийся животными) вирус, в нормальном состоянии он переносится дикими животными, населяющими африканский континент. Таким же образом в Италии и США оказался вирус Эбола-Рестон, переносимый яванскими макаками, которые попали

на другие континенты с Филиппин.

Лихорадка Эбола, как правило, проявляется внезапными вспышками, обычно распространяемыми в пределах одного медицинского учреждения. Бывают и случайные, изолированные случаи, причины возникновения которых неизвестны.

Распространение вируса Эбола

Инфекция, провоцируемая вирусом Эбола, у человека является случайной, так как он не может быть носителем возбудителя. Учитывая то, что природный резервуар вируса неизвестен, определить, каким образом заразился человек, также не представляется возможным.

После того, как он заболел, передача вируса осуществляется различными способами. Люди подвергаются воздействию инфекции посредством прямого контакта с кровью и/или выделениями пациента. Именно поэтому вирус так часто распространяется в семье или среди друзей зараженного. Ведь во время кормления, уборки и прочих мероприятий по уходу за больным членами семьи вступают в близкий контакт с теми или иными выделениями человеческого тела. Также заражение может наступить из-за контакта с объектами (например,

иглами), на которых остались частицы крови и других секретов пациента.

Симптомы геморрагической лихорадки Эбола

Инкубационный период геморрагической лихорадки Эбола длится 2-16 суток (в среднем 7 суток).

Начало геморрагической лихорадки Эбола внезапное, с быстрым подъемом температуры тела до 39-40 °С, интенсивной головной болью, слабостью. Симптомы геморрагической лихорадки Эбола следующие: выраженная сухость и першение в горле (ощущение "веревки" в горле), боли в грудной клетке, сухой кашель. На 2-3 сутки появляются боли в животе, рвота, диарея с кровью (мелена), приводящие к обезвоживанию. С первых дней течения заболевания характерны анемичность лица и запавшие глаза. На 3-4 сутки появляются тяжелые симптомы геморрагической лихорадки Эбола: кишечные, желудочные, маточные кровотечения, кровоточивость слизистых оболочек, геморрагии в местах инъекций и повреждений кожи, кровоизлияния в конъюнктивы. Геморрагический синдром быстро прогрессирует. На 5-7 сутки у части больных (50%) появляется кореподобная сыпь, после которой происходит шелушение кожи. Выявляют заторможенность, сонливость, спутанность сознания, в некоторых случаях – психомоторное возбуждение. Смерть наступает на 8-9 сутки от массивной кровопотери и шока. При благоприятном исходе лихорадочный период длится

10-12 суток, выздоровление медленное в течение 2-3 месяцев. В период реконвалесценции наблюдают выраженную астенизацию, анорексию, кахексию, выпадение волос, трофические нарушения, психические расстройства.

Предотвращение геморрагической лихорадки Эбола

Предупреждение заболеваемости вирусом Эбола в Африке достаточно трудоемко. Неизвестно происхождение и размещение естественных резервуаров возбудителя, поэтому можно предложить лишь несколько стандартных методов профилактики болезни.

Если случаи лихорадки Эбола до сих пор возникают, значит, экономические и социальные условия благоприятствуют распространению эпидемии в больницах и госпиталях. Поэтому врачам необходимо принять меры по своевременному выявлению пациентов, зараженных вирусом. У них должна быть возможность проведения всех диагностических процедур и немедленной изоляции больных от персонала.

Цель, на которую направлены все вышеизложенные мероприятия, состоит в том, чтобы предотвратить контакт незащищенного человека с кровью и выделениями больного.

Эльвира МАРАКЕВА,
директор Ташкентского
городского института
здоровья и медстатистики.

Бугуннинг мавзуси

ТАТУАЖНИНГ ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ

Бугун хотин-қизларнинг аксарияти узоқ вақтга мўлжалланган барқарор турувчи пардознинг янги усули бўлмиш татуажни маъқул кўришмоқда ва ундан "унумли" фойдаланишмоқда.

ТАТУАЖ – пармамент пардоз бўлиб, яъни юздаги аъзолар – лаб, кўз ва қошни узоқ вақт (3, 5, 7 йилгача) кетмайдиган қилиб бўйб, пардоз бериш. Пармамент пардозда санаб ўтилган аъзоларнинг терисига татуаж учун мўлжалланган игна ёрдамида махсус бўёқ юборилади. Бу пигментларнинг узоқ вақт ушланиб туришини таъминлайди. Ушбу пардоз муолажаси оғриқли бўлиб, бир-икки соатга чўзилади. Татуаж узоқ муддатгача пардоз буюмларини унутиб, лаб, кўз ва қошга шакл бериш, тери нуқсонлари бўлмиш чандиқ ҳамда пигмент доғларни яшириш, хол кўйиш ёки табиий холларга бир оз ранг бериш, умуман ҳар қандай вазиятда гўзал кўриниш имконини беради.

Бироқ хотин-қизларимиз татуажнинг соғлиққа, қолаверса, ташқи кўринишга сезиларли даражада зиён келтиришини билишармикан?

Кўз татуажи – кўзларга ишлов бериш, жумладан, игна ёрдамида шакл чизиш йўли билан кўз ва қошоқ шакли тўғриланади, унинг нуқсонлари яширилади. Бироқ муолажа оғриқли бўлиб, кўзнинг кўриш қобилияти, қошоқ терисига зиён етказилади. Тери сезувчанлиги ва мимика (иммо-ишора)га салбий таъсир кўрсатади.

Қош татуажи – соч илдизи йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин. Бундай турдаги пардозни қилиш қошлар тукини бутунлай йўқотиб, уларнинг тўкилиши эҳтимолини оширади. Янги қошлар қайтиб ўсиб чиқмайди.

Лаб татуажи – лаблар шаклини тўғрилаш, катталаштириш ҳамда унинг ичини бўёқ билан тўлдириш мақсадида амалга оширилади. Лабни татуаж қилгандан сўнг оғиз атрофида шишлар пай-

до бўлиб, уларнинг битиши узоқ вақтга чўзилади. Бундан ташқари, инфекция касалликлар билан хасталаниш эҳтимоли ошади. Агар сиз герпес вирусига тўқнаш келмаган бўлсангиз, мазкур муолажадан сўнг у сизда пайдо бўлиб, организмнинг кучайиши кузатилади.

Татуаж нимаси билан хавфли?

Татуажда махсус асбоб-ускуналардан фойдаланилади. Демак, асбоб-ускуналарни нотўғри стериллаш, сифатсиз бўёқ ва мутахассис тажрибаси етишмаслиги – пармамент пардознинг навбатдаги салбий оқибатларидан бири ҳисобланади. Татуажнинг хавфли томони шундаки, у юз асаб томирларига жароҳат етказиши мумкин. Бундан ташқари, татуаж игна ёрдамида ўтказилса, бўёқлар бир неча одамларда кўлланиши натижасида гепатит В, С, ОИТС, лаб атрофида ўтказилганда учқу тошишига, тери бутунлиги бузилиши натижасида эса постравматик экзема, контакт дерматитлар ва шунга ўхшаш кўпгина асоратлар келтириб чиқариш ҳолатлари кўп кузатилади. Ҳаттоки кимёвий бўёқларнинг эҳтиётсизлиги ёки ўқув-сизликдан кўзга оқиб тушиши натижасида кўр бўлиб қолиш эҳтимоллари ҳам йўқ эмас. Татуаж осонликча ўтиб кетмайдиган аллергияни келтириб чиқаради ва "чақиради".

Бўёқларнинг баъзилари ўз таркибида аллергия ҳамда терида чандиқ пайдо қилишга сабаб бўлувчи моддаларни сақлайди. Одатда бу моддалардан мато ва сочлар учун бўёқ ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Мазкур модданинг татуаж туфайли терида узоқ вақт туриши аёлларнинг пардоз воситаларига, маиший кимё маҳсулотларига нисбатан аллергия пайдо бўлишига олиб келади. Бунда аллергия

турли хил – ачишиш, қичишиш, қизариш, гурра ва шамоллаш аломатлари билан ифодаланиши кузатилади. Нима бўлганда ҳам юзни татуаж қилишдан олдин пардознинг бу тури тери учун нечоғлик муҳимлиги, қолаверса, ташқи кўриниш илгаригидек табиий бўлмаслиги ҳақида яхшилаб ўйлаб кўриш керак. Муддати тугагач, у ҳеч кимга кўркамлик ва жозибдорлик бағишлай олмаслигини унутманг!

Ҳозир аёллар ҳомиладор бўлишлари-га қарамай пардознинг бу усулидан кенг фойдаланишмоқда. Бироқ дермато-венеролог мутахассис сифатида ҳомиладорлик пайтида аёлларга татуаж қилишни мутахассис сифатида тавсия этмайман. Негаки, бу даврда тери жуда ҳам таъсирчан бўлиб, иммунитет пасайиши ҳисобида инфекциялар организмга осонгина киради.

Ҳомиладор аёлларда гормонал ўзгаришлар ва иммун тизими сусайиши натижасида татуаж ўтказилганда инфекциянинг териға тез тушиши ва организмга тарқалиши, ҳаттоки сепсис ҳолатларига олиб келиши ҳам мумкин.

Татуаж ўтказиш 2 хил ҳолатда мумкин эмас. Булар абсолют ва нисбий қарама-қаршиликлардир.

Абсолют қарама-қаршиликлар:

- қандли диабет билан оғриган беморларда;
- қон қуюшқоқлиги бузилган беморларда;
- терида келлоид чандиқлар пайдо бўлишига мойил бўлувчи одамларда;
- ҳар хил номаълум этиологияли ўсма-лар;
- онкологик касалликлар;
- ўткир соматик касалликлар;
- ўткир яллиғланиши касалликлар;
- сурункали конъюнктивитлар;
- психик ўзгариши бор беморлар;
- эпилепсия касаллигида;
- ҳомиладор ва эмизикли аёлларга татуаж ўтказиш абсолют қарама-қаршилик

гуруҳига киритилади.

Нисбий қарама-қаршиликлар:

– бу ҳар бир одамнинг териси сезувчанлигига қараб белгиланади, яъни муолажа ўтказилганда аввал териға суртиландиган оғриқ қолдирувчи антисептиклар ва юбориландиган бўёқларни синама сифатида кўллаб, агар аллергия ҳолат кузатилмасагина бу муолажа ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлади;

– татуаж ўтказилаётган тери сатҳи бутунлиги бузилмаган бўлиши керак, яъни тирналиш, шилиниш ва яралар бўлмаслиги керак;

– аёлларда ҳайз цикли ўрталарида татуаж муолажасини ўтказиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган салбий ва ижобий ҳолатларни инобатга олиб, ушбу муолажани мутахассис-дерматокосметологлар ўтказиши керак.

Татуаж нима учун керак?

Сўнгги ўн йил ичида татуаж технологиясида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Эндиликда татуаж муолажалари ҳеч қандай оғриқларсиз ўтказилмоқда. Татуаж қилдириш учун қулай мавсум куз-бахор ойлари оралиги ҳисобланади. Пармамент татуажнинг муддати – беш йил. Бир ярим йилдан сўнг у бир оз ўз рангини йўқота бошлайди (такрорий татуаж муолажасига орадан 1,5-2 йил ўтгач мурожаат этиш мумкин).

Хулоса ўрнида айтиш керакки, авваламбор татуаж қилдириш истагида бўлган ҳар бир инсон юқорида айтиб ўтилган фикрларга эътибор қаратган ҳолда мутахассис тавсиясига амал қилиши лозим.

Илхом РАҲИМОВ,
Республика
ихтисослаштирилган
дерматология ва венерология
илмий-амалий тиббиёт маркази
дерматомикология
бўлими раҳбари.

Олтин куз

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШДАГИ
МУҲИМ ОМИЛЛАР

Соғлом овқатланиш соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Кунлик овқатланиш қуввати, одамнинг кунлик сарфлайдиган энергиясига мос келиши соғлом овқатланишнинг муҳим жиҳатидир.

Биз кўп ҳолларда сарф қилинадиган энергияга қараганда, овқат орқали кўпроқ энергия қабул қиламиз. Таркибида ёғ, қанд миқдори кўп бўлган, ўта калорияли озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қиламиз. Ҳаёт тарзимиздаги бу нуқсон семизлик, қандли диабет, қон босими кўтарилиши, атеросклероз, инсулт, инфаркт ва шу каби бир қанча юрак қон-томир касалликлари келиб чиқишига сабаб бўлади.

Соғлом овқатланиш қоидаларидан бири, овқатланишда ишлатиладиган маҳсулотлар хилма-хил бўлишидир. Бу қоидага риоя этиш тана аъзолари ва тизимларининг меъёридаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, эрта қариш ва турли хил касалликларнинг олдини олиш ҳамда ташқи муҳитнинг зарарли таъсиридан химоя қилиш учун зарур бўлган озиқ моддалар билан таъминлаш имконини беради. Таркибида у ёки бу зарур озиқ моддани кўплаб миқдорда сақловчи маҳсулот, организмни озиқ модда билан таъминловчи озуқа манбаи деб юритилади. Масалан, сут маҳсулотлари кальцийнинг, гўшт темирнинг, япроқли кўкат фолат кислотасининг, сабзавот ва мевалар С витамини ва фолат кислотасининг манбаси ҳисобланади. Ушбу маҳсулот-

ларда ҳаёт учун зарур бўлган бошқа бир қатор озиқ моддалар жуда кам бўлиши ёки умуман бўлмагани мумкин. Бу эса, овқатланишда рационни тўғри белгилаш зарурлигининг яна бир ифодасидир.



Ҳайвон маҳсулотларидаги оқсиллар, ўсимлик оқсилларига нисбатан бир қанча афзалликларга эга. Шу билан бир вақтда аминокислоталар таркиби бўйича яхши балансланган рационни, гўштсиз ҳам, масалан ўсимлик турлидаги маҳсулотларни, сут маҳсулотлари ва тухум билан муҷасамлаштириш асосида ҳам тузиш мумкин. Озиқ моддаларга бўлган эҳтиёж, турли одамларда турличадир: у жинсга, ёшга, жисмоний фаолликка, моддалар алмашинуви ва саломатлик ҳолатларига боғлиқ бўлади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан биргаликда республикамиз аҳолиси учун соғлом овқатланиш тамойиллари ишлаб чиқилди. Овқатланишда ушбу тамойилларга риоя этиш юқумли

бўлмаган сурункали касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Соғлом овқатланиш тамойиллари:

1. Турли хил озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш;
2. Бир кунда турли хил сабзавот ва мевалар истеъмол қилиш (камида 400 грамм);
3. Нон ва йирик ун маҳсулотлари, ёрма ва картошкани ҳар куни истеъмол қилиш;
4. Истеъмол қилинаётган ёғ миқдорини назорат қилиш, кўпроқ ўсимлик ёғини тановул қилиш;
5. Ёғли гўшт ва ундан тайёрланган маҳсулотларни, дуккаклиларга, имкон даражасига қараб балиққа ёки парранда гўштига алмаштириб туриш;
6. Таркибида ёғи ва тузи кам бўлган сут ва сут маҳсулотлари (қатик, пишлоқ, творог ва бошқа)ларни кўпроқ истеъмол қилиш;
7. Қанд (шакар)ни камроқ истеъмол қилиш. Таркибида қанд миқдори юқори бўлган ширинлик ва ширин ичимликларни истеъмол қилиши чегаралаш;
8. Тузининг умумий миқдори кунига бир чой қошиқ (5 грамм)дан ошмаслиги ва фақат йодланган тузни истеъмол қилиш;
9. Овқатланаётганда чой ичмаслик, чойни табиий шарбат, ичимлик суви билан алмаштириш ёки чойни асосий овқатланишлар оралиғидаги танафусларда ичиш;
10. Ҳар куни жисмоний маш-
қлар билан
шуғулланиш.

Азиза СЕВИНОВА,
Республика саломатлик ва тиббий
статистика институти мутахассиси.

Мутахассис оғоҳлантиради

ГРИПП: асорати билан хавфли

Грипп ўта юқумли вирусли касаллик бўлиб, аҳоли ўртасида тез ва осон тарқалиши билан бошқа касалликлардан фарқ қилади. Касаллик манбаи бемор одам бўлиб, у ҳаво-томчи йўли орқали бошқа кишиларга юқади.



Грипп эпидемиясининг вужудга келиши йилнинг совуқ ойлари (ноябрь – март)га тўғри келади. Касаллик тўсатдан, ўткир бошланади. Белгилари: қаттиқ бош оғриши, айниқса, пешона ва кўз усти соҳаларида, бош айланиши, мадорсизлик, мушаклар ва кўз соққаларида оғриқ, нафас сиқиши. Касалликнинг биринчи соатлариданоқ тана увишади, ҳарорат 38-40 даражагача кўтарилади ва 2-5 кун давом этади.

Грипп ва ўткир респиратор вирусли инфекция (ЎРВИ) билан оғриган барча беморлар иситма даврида албатта, ётиши ва шифокорни уйига чақириши лозим. Шунингдек, калорияли, сервитамин, парҳез таомлар билан бирга, бир суткада 1,5-2 литргача суяқлик (чай, мева шарбатлари, иссиқ сут, малинали, лимонли чай, минерал сувлар) истеъмол қилишлари керак. Дорилардан касалликнинг биринчи кунини интерферон, ремантадин, аскорбин кислотаси тавсия этилади. Грипп асоратсиз ўтиши учун антибиотик ва сульфаниламидлардан фойдаланмаслик лозим.



Ушбу касаллик билан курашиш тиббиётда икки йўналишда олиб борилмоқда.

Биринчиси, организмнинг касалликка қарши курашиш хусусиятини ошириш мақсадида аҳолини эмлаш, яъни вакцинапрофилактика. Иккинчиси, инсон ўзини касалликдан муҳофаза қилиши, яъни та-

нани чиниқтириши, бадантарбия билан мунтазам шуғулланиб, овқатланишга алоҳида аҳамият бериши лозим. Шунингдек, кўпроқ очик ҳавода юриши, албатта бош ва оёқ кийимлари иссиқ ва куруқ бўлиши жуда муҳимдир.

Гриппнинг олдини олишда муассаса, ўқув юртлари, корхона, мактаб, боғча ва аҳолининг яшаш жойларида барча хоналарнинг иссиқлик ҳарорати 17-18 даражадан паст бўлмаслиги аҳамиятлидир.

Грипп эпидемияси даврида асосий эътиборни касалланиш хавфи кўпроқ бўлган аҳоли гуруҳларини муҳофазалашга қаратиш лозим. Бу гуруҳга тиббиёт, транспорт, мактаб, боғча, савдо, умумий овқатланиш муассасалари ходимла-



ри қиради. Касалликнинг олдини олиш мақсадида доканиқоблардан фойдаланиш ва уларни албатта ҳар тўрт соатда алмаштириш зарур.

Бу ҳолда никоблар 98 фоизгача патоген микробларни ўзида ушлаб қолади. Хоналар 0,5 фоизли хлорамин ёки хлорли оҳак эритмаси билан ҳар куни 2-3 марта ювилса, хлор бугланиб, ҳаводаги грипп ва ЎРВИ вирусларини ўлдиради. Шунингдек, исириқ тутуни ҳам бактерицид ва вирулоцид таъсир кўрсатиб, хона ҳавосини зарарсизлантиради. Хоналарни тез-тез шамоллатиш, ҳавосини алмаштириш микроорганизмлар сонини 85-90 фоизгача камайтиради.

Профилактик мақсадда ремантадин, оксалин суртмаси, интерферондан фойдаланиш ҳамда шахсий гигиенага риоя қилиш касалликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Хурматли муштарийлар!
Сизга маълумки, расмий веб-сайтимиз (www.uzssgzt.uz) фаолият бошлагандан буён доимий равишда газетадаги мақолаларни интернет саҳифаларида эълон қилиб келмоқдамиз. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча буйруқ ва меъёрий ҳужжатлар матнини «Расмий ҳужжатлар» бўлимидан топиш имкониятига эгасиз. Бундан ташқари, сизда тахририят билан яқин ҳамкорлик қилиш истаги бўлса, info@uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru манзилига хатлар йўллашингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган бўғимлар ва қўл бармоқ жароҳлиги маркази директори, профессор

Шаҳоб Шамсиевич ХАМРОЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикфол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 5366 нусха.
Буюртма Г-1058.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

